O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 17 сентябрь, № 181 (5096) Жума


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 сентябрь куни Оқсаройда Малайзиянинг «Petronas» компанияси президенти Дато Шамсул Азҳар Аббосни қабул қилди.**





Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан «Petronas» компанияси ўртасидаги ҳамкорлик барқарор ва изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

— Сизни Тошкентда қутлашдан мамнунмиз. Сиз орқали Малайзия раҳбарияти ва халқига ҳурмат-эҳтиромимизни изҳор этамиз. Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида яхши, дўстона муносабатлар қарор топган. Бизнинг фикримизча, Малайзиянинг энг катта ютуқларидан бири давлат фаолияти ва ҳаётининг кўплаб соҳаларида олиб борилаётган изчил ва пухта ўйланган сиёсатдир. Бу диққатга сазовордир, — деди Ислом Каримов.

1974 йилда асос солинган «Petronas» нефть-газ компанияси бугун жаҳон иқтисодиётининг нефть-газ соҳасида мустаҳкам ўрин эгаллаган. Айни пайтда «Petronas» Устюрт ва Сурхондарёдаги бир неча сармоявий блокларда геология-разведка ишларини олиб бормоқда. «Petronas» Жанубий Африка Республикасининг фойдали қазилмаларни ўзлаштириш, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Sasol» компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда дизель ёқилғиси, авиакеросин ва суюлтирилган газ ишлаб чиқариш учун синтетик ёқилғи заводи қуриш бўйича йирик лойиҳада иштирок этмоқда.

«Petronas» компанияси раҳбариятининг мамлакатимизга ташрифи доирасида Сурхондарё вилояти, Бойсун туманидаги «Гажак» конини ўзлаштириш бўйича маҳсулот тақсимотига оид битим имзоланди. Бу мазкур конни бевосита ўзлаштириш босқичига ўтилганидан далолат беради.

Оқсаройдаги учрашувда Дато Шамсул Азҳар Аббос самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, «Petronas» Ўзбекистон Республикаси билан сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида амалдаги лойиҳалар ижросининг бориши ва ҳамкорликда истиқболли дастурлар ишлаб чиқиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**
**Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.**

*Пойтахтимизда "Ўзбекистон ва БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари: ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар" мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.*

## МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

**Анжуман**

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар вакиллари, эксперт ва олимлар иштирок этди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А. Саидов, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори М. Усмонов мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, иқтисодиётни эркинлаштириш, халқ фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар демократик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари кенг кўламда бажарилишини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, таълим соҳасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўн икки йиллик узлуксиз таълим тизимига ўтиш, соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва сифатини юксалтириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш имконини бермоқда.

Тиббиёт соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотлар эса аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат тизимини тўлиқ модернизациялаш, аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун юксак талабларга жавоб берадиган шифохоналар барпо этиш, тиббий хизмат сифатини ошириш ва кўламини кенгайтиришда қўл келмоқда.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистонда БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ижросининг боришига бағишланган муҳокамада иштирок этдим, — деди АҚШ Миллий демократик институти минтақавий директори Кларк Плексико. — Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини тўғри танлаган мамлакат эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Юртингизда фуқароларнинг шахсий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида миллий қонунчилик тизими тўла шаклланган.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

*ТОШКЕНТ. Шу йилнинг 9 — 14 октябрь кунлари юртимизда "Style.uz — 2010" санъат ҳафталиги ўтказилади.*

### Санъат ҳафталиги олдидан

Кеча "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасида ана шу тадбирга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда жамоат ва ижодий ташкилотлар вакиллари, санъат ҳамда маданият соҳаси намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, бир неча йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур ҳафталик мода ва дизайн соҳасида эришилган ютуқ-муваффақиятлар билан яқиндан танишиш, янгиликларни кашф этиш, фэйшн саноати ва дизайнерлик санъатининг таниқли намояндалари билан кенг кўламли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш имконини беради.

(Давоми 3-бетда).

*НАМАНГАН шаҳридаги "Дамбоғ пойабзал савдо" хусусий корхонасида қишки кроссовкалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.*

### Маҳсулот тури 50 тага етди

Ушбу лойиҳа амалга оширилиши билан бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар тури 50 тага етди. Айни пайтда корхонада хориж технологиялари ёрдамида импорт ўрнини босувчи 10 дан ортиқ турдаги қишки пойабзаллар тайёрланмоқда.

Таъкидлаш керакки, "Дамбоғ пойабзал савдо"нинг фаолияти кенгайиши ҳисобига бу ерда қўшимча 10 та янги иш ўрни яратилиб, ишлаб чиқариш ҳажми 30 фоизга ошди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*ХОРАЗМ. Урганч шаҳрида навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.*

### Беш минг киши ишли бўлди

"Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши ҳамда шаҳар ва туманлар бандликка кўмаклашувчи марказлари билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда вилоятдаги 160 та корхона мингдан ортиқ бўш иш ўрни билан қатнашди. Якунда 327 кишига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

Эътиборлиси, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда 46 та бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилиши натижасида 5 минг нафарга яқин йигит-қиз ўз касби бўйича ишли бўлди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ВАТАНГА МУҲАББАТ БИЛАН ЯШАМОҚ КЕРАК

***15 сентябрь куни Жиззах давлат педагогика институтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш — баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим омили» мавзуида семинар ўтказилди.***

Унда бугунги кунда Ўзбекистонда ўзини, ўз халқининг бой илмий, маданий ва тарихий меросини чуқур англайдиган, демак, ҳақиқий ватанпарвар, Ватанига нисбатан чин муҳаббат туйғусига эга бўлган янги авлод шаклланаётгани таъкидланди.

Жамият маънавиятини, ёш авлод онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш доимий ва узлуксиз жараёндир. Шунинг учун бугун давлатимиз ёшлар ўртасидаги тарбиявий ишлар сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда, ёш авлод тафаккури ва онгини ўстирадиган барча соҳалардаги фаолият кучайтирилмоқда.

Семинар иштирокчилари қайд этиб ўтганларидек, сўнгги бир неча йилда, айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Баркамол авлод йили» деб номланган жорий йилда мамлакатимизда ёшларни ғоявий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, йигит-қизларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, уларда Ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотиш, ўз юрти билан ғурурланиш туйғусини тарбиялаш бўйича кенг кўламли иш олиб борилмоқда.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида армияга чақирилувчиларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилишга тайёрлаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, уларда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш, Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, умумтаълим ва жисмоний тайёргарлик сифатини ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда.

Маълумки, мустақил ҳаётга катта умидлар билан қадам қўяётган юз минглаб ёшлар учун армияда хизмат қилиш шахс сифатида шаклланишида пойдевор бўлади, ҳаёт йўлини танлаши, ҳарбий таълим муассасаларига кириши учун кенг имкониятлар очади. Бугун айнан улар мамлакатимизнинг энг фаол ва тайёр кадрлар захираси, Ўзбекистон келажагининг таянчидирлар.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини тўлдириш тизимини такомиллаштириш борасидаги ишлар изчил ва босқичма-босқич олиб борилмоқда. Муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилган, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат жорий қилинган, шартнома асосидаги хизматга ўтиш деярли тугалланган. 2009 йилдан буён муддатли ҳарбий хизматга чақирув йилда бир марта ўтказилмоқда. Бу чора-тадбирларнинг барчаси аҳоли ўртасида, биринчи навбатда, ёшларимизда армияда хизмат қилишнинг нуфузини ва жозибадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Семинарда фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашда уларнинг ҳарбий хизматни ўташ бўйича конституциявий ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мамлакат мудофааси ва унинг ҳимояси тўғрисидаги қоидаларини, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг вазифаларини, ҳарбий қасамёднинг ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари низомининг асосий талабларини тушунтиришга катта эътибор бериш зарурлиги, буларнинг барчаси ёшларни ватанпарварлик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилиши ва унинг чегаралари дахлсизлигини кафолатлаши керак бўлган профессионал армияни шакллантиришга ёрдам бериши кўрсатиб ўтилди.

Семинар ишида сенаторлар, халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутатлари, тегишли вазирлик ва идораларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, жамоат бирлашмаларининг ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

**(ЎзА).**

## ТИББИЁТИМИЗ ЮТУҚЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

***Кеча пойтахтимизда соғлиқни сақлаш тизими бирламчи бўғинининг дастлабки ўн йиллик ривожи мавзуидаги илмий-амалий анжуман иш бошлади.***

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Умумий амалиёт шифокорлари халқаро ассоциацияси ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.

Унда олимлар ва экспертлар, мамлакатимиз қишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритаётган шифокор ва ҳамширалар, тиббиёт институтларининг ўқитувчи ва тадқиқотчилари иштирок этмоқда.

Анжуманда мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ва уларнинг самараси хусусида сўз борди. Шунингдек, жаҳон миқёсидаги ютуқлар ҳамда халқаро тажрибаларни бирламчи бўғинлар фаолиятига янада кенгроқ татбиқ этишда мазкур тадбирнинг аҳамияти катта эканлиги алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

***Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати васийлик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.***

## МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Унда васийлик кенгашининг аввалги мажлисларида қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши, ҳаракат марказий кенгаши ва унинг қуйи тизимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар, ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича олиб борилиши зарур бўлган чора-тадбирлар муҳокама этилди.

Бу борада васийлик кенгаши аъзоларининг мамлакатимизда ёшларни баркамол этиб тарбиялаш учун барча шароитларни яратиш юзасидан маҳаллий ҳокимликларга кўрсатаётган амалий ёрдамлари борасидаги ҳисоботлари тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган «Кўҳна ва боқий Бухоро» мажмуасига ёшларни мунтазам равишда жалб этиш, уларнинг бевосита иштирокида турли тадбирларни амалга ошириш, мажмуадан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

«Бухоро маданий маркази» мажмуасидаги вилоят мусиқали драма театри саҳнасида аҳоли, айниқса, ёшлар учун замонавий қаҳрамон образи яратилган спектакллар намойиш этиш бўйича Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигига, турли байрам концертлари ташкил этиш юзасидан «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасига алоҳида дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилди.

(Давоми 3-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

## ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ТОБОРА КЎРКАМЛАШМОҚДА

***Жорий йилнинг биринчи ярмида республикамизнинг қишлоқ жойларида намунали лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш мақсадлари учун "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан жами***

**122,2** **миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.**

Бу пировардида барча ҳудудларда янги уй-жойларни қуриб битказиш, қўшимча тураржой қурилишини бошлаш, яъни қишлоқларимизни янада кўркамлаштириш имконини берди.



# МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Анжуманда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда халқаро ҳуқуқий меъёрларга тўла амал қилинаётгани ва бу жамиятни ривожлантиришнинг, давлат қурилишининг, ички ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши этиб белгилангани таъкидланди.

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Анита Нироди Ўзбекистонда иқтисодиёт, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби кўплаб соҳалар изчил ривожланаётганини қайд этиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижаларини юксак баҳолади.

— Ўзбекистон қисқа даврда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида улкан муваффақиятларга эришди, — деди А. Нироди. — Мамлакатингизда Инқирозга қарши чоралар дастурининг ўз вақтида қабул қилингани, унинг мавжуд шароитга мослиги ва аниқ мақсадларга йўналтирилгани глобал иқтисодий бўҳрон оқибатларини енгиб ўтишда муҳим омил бўлди.

Давра суҳбатида мамлакатимизда БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш, унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, асосий тамойилларига оид маърузалар тингланди. Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, экологик барқарорликни мустаҳкамлаш, таълим тизимини янада тараққий эттириш каби масалалар хусусида фикр алмашилди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ТИББИЁТИМИЗ ЮТУҚЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Эътироф этилганидек, бугун мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида эл соғлиғини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни вояга етказиш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Жойларда жаҳон андозалари даражасидаги шифо масканлари бунёд этилаётганлиги натижасида тиббий хизмат сифати тобора юксалиб бораётир. Хусусан, бугун нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки энг чекка қишлоқ жойларда ҳам бирламчи тиббий муассасалар фаолияти намунали йўлга қўйилган. Айни пайтда мамлакатимиз бўйича 3173 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатаяпти ва уларнинг 3100 дан зиёди зарур тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган.

— Ўзбекистонда сўнгги ўн йил мобайнида эл соғлиғи муҳофазаси йўлида амалга оширилган ишлар ҳар жиҳатдан ибратлидир, — дейди Умумий амалиёт шифокорлари халқаро ассоциациясининг академия ва миллий коллежлар Халқаро ташкилоти президенти Ричард Робертс. — Сўнгги йилларда оналар ва болалар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар уч баробарга камайганлигининг ўзиёқ мамлакатда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва саломатлигига юксак эътибор қаратилишини англатиб турибди. Қолаверса, тиббий хизмат кўрсатувчи бирламчи бўғинлар фаолиятини такомиллаштириш борасида эътирофга арзигулик натижаларга эришилган. Айниқса, қишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритаётган умумий амалиёт шифокорларининг малакасини ошириш мақсадида ташкил этилган махсус ўқув курсларининг ўзига хос иш услуби бизга манзур бўлди.

Анжуманда юртимиз мутахассислари ҳамда хорижлик тиббиёт ходимларининг илмий маърузалари ҳам тингланди. Хусусан, янги шаклдаги умумий амалиёт шифокори, бирламчи бўғинлар фаолиятини текшириш натижалари ва таҳлили, дастлабки тиббий ёрдамда болалар соғлиғи муҳофазаси, юқумли касалликларнинг олдини олишда умумий амалиёт шифокори ва ҳамширасининг роли мавзуидаги халқаро тажрибалар таҳлил қилинди.

Анжуман бугун ўз ишини давом эттиради.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишда сиёсий партияларнинг ролини ошириш ҳамда Қонунчилик палатасидаги турли сиёсий фракциялар ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратган эдилар. Буларнинг барчаси, Президентимиз қайд этганларидек, қабул қилинадиган қонунларнинг сифатини оширишга, парламент ролининг, унинг мамлакатимизда юз бераётган жараёнларга таъсирининг кучайишига ёрдам беради.***

# ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КУТУБХОНА ФАОЛИЯТИ

## аҳолининг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга

Парламент ҳаёти

Дарҳақиқат, мамлакат тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган устувор вазифалар ижроси сиёсий партиялар фаоллигига бевосита боғлиқдир. Шу боис ҳозирда барча сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари аъзолари қонунлар қабул қилишда ўз электорати манфаатларидан келиб чиқиб, саъй-ҳаракат қилмоқдалар.

Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси парламент қуйи палатасидаги фракциясининг қонун ижодкорлиги бўйича режасининг маданий-маърифий ҳаёт соҳасига оид банди замонавий ахборот тизимини ривожлантиришга қаратилган. Яъни замонавий ахборот технологиялари базасида республика аҳолисига ва айниқса, ёшларга кўрсатилаётган ахборот-кутубхона хизматини янада такомиллаштириш мақсадида "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Айни пайтда ушбу ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида депутатлар томонидан муҳокама этилиб, биринчи ўқишда қабул қилинди.

Барчага аёнки, ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланаётган XXI асрда ахборот сиёсати маданий сиёсатнинг бир бўлаги ҳисобланади. Шу маънода, Юртбошимизнинг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори кутубхоначилик ишида тарихий воқеа бўлиб, анъанавий кутубхона хизмати кўрсатишдан замонавий ахборот технологияларига асосланган ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишга асос солинди. Давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ҳамда битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир.

Ана шундай маънавий бойликларни ёш авлодга етказиш, уларнинг ушбу адабиётлардан эркин фойдаланишларини таъминлаш, бунинг учун эса, ахборот-кутубхона фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, ҳозир республикамизда ахборот-кутубхона институтларининг умумий сони 11 850 дан зиёд бўлиб, шу жумладан, ахборот-кутубхона марказлари 14 тани, ахборот-ресурс марказлари 2 761 тани ва давлат ҳокимияти органлари, давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари кутубхоналари эса 9 078 тани ташкил этади.

Эътироф этиш жоизки, бугунги кунда ахборот-кутубхона институтлари фаолиятида хизмат кўрсатишнинг замонавий шакллари қўлланилаётган ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишда ижобий натижаларга эришилаётган бўлса ҳам, улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳали етарли даражада эмас. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилган. Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари ҳамда махсус ишчи гуруҳ томонидан иккинчи ўқишда парламент муҳокамасига киритиш учун тайёрланмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг асосий мақсади ахборот-кутубхона фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, фуқароларнинг ахборот-кутубхона институтларида сақланаётган ахборотлардан эркин фойдаланишга бўлган ҳуқуқларини кафолатлашдан иборат. Қонун лойиҳаси ахборот-кутубхона институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, молиялаштириш, уларнинг фондини тўлдириш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, ахборот-кутубхона институтлари ҳамда ундан фойдаланувчилар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг белгиланиши билан янада аҳамиятлидир. Ушбу норманинг киритилиши, айниқса, жисмоний имкониятлари чекланган фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона ресурсларини махсус ахборот манбаларидан олиш, ихтисослаштирилган техник воситаларни етказиб бериш ва улардан фойдаланиш учун алоҳида шарт-шароитлар яратишни кафолатлайди.

Мухтасар қилиб айтганда, мазкур қонуннинг қабул қилиниши билан аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг янги тури шаклланади. Яъни кутубхоналарнинг ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс маркази сифатидаги мавқеи янада ошади. Шу билан бирга, уларнинг миллий ва жаҳон ахборот ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига замин ҳозирлайди.

**Ҳафиза КАРИМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

***Исроилнинг араб тилидаги етакчи интернет-порталларидан бири "Бокра" сайтида Ўзбекистон мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган, ранг-баранг суратлар билан безатилган мақола эълон қилинди.***

# ИСРОИЛ МАТБУОТИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ МАВЗУСИ

Биз ва жаҳон

"Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг иқтисодий етакчиси" сарлавҳали мақолада мамлакатимизнинг мустақилликдан кейинги даврда босиб ўтган ривожланиш жараёнининг турли босқичлари, унинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги ютуқлари ҳақида маълумот берилган. Унда Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи ҳамда ҳақли равишда "Буюк Ипак йўлининг марвариди" саналувчи бугунги Ўзбекистоннинг тарихий аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, юнон-рим даврида мазкур ҳудуд "Мингта шаҳар мамлакати" деб номланган. Ушбу фикрнинг ёрқин далили сифатида Ўзбекистон ҳудудида Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз ва Тошкент каби шаҳарлар жойлашганини айтиш мумкин. Ушбу шаҳарларда Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, ал-Хоразмий каби фанларнинг ривожи ва уларни бойитишга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшган ҳамда маърифатпарварлик соҳасида ўчмас из қолдирган етакчи олимлар, шоирлар, мутафаккирлар яшаб ижод этган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Беруний номидаги Шарқшунослик институтида йигирма беш минг нусхадан ортиқ қўлёзмалар, йигирма саккиз мингдан ортиқ тошбосма асарлар, шунингдек, "Бутунжаҳон мероси объектлари рўйхати"га киритилган 6 мингдан зиёд қадимий расмий ҳужжатлар сақланади.

Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти томонидан "Ислом маданиятининг пойтахти" деб эълон қилиниши Ўзбекистоннинг ислом маданиятини қайта тиклаш ва асраб-авайлаш борасидаги саъй-ҳаракатларига берилган юксак баҳо бўлди.

"Бокра" интернет газетаси, шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатда кўп қамровли ва рақобатбардош иқтисодиётнинг шакллантирилиши, Инқирозга қарши чоралар дастурининг қабул қилиниши ҳақида сўз юритади. "2009 йил якунларига кўра, иқтисодий ўсиш 8,1 фоизни, саноат ишлаб чиқариш ҳажми — 9, қишлоқ хўжалиги — 5,7, хизмат кўрсатиш соҳаси — 12,9 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда Ўзбекистон ўзининг тезкор ривожланаётган иқтисодиёти билан Марказий Осиёнинг етакчи саноат давлатларидан биридир. Ўзбекистон ўзининг авиация саноатига эга бўлган дунёдаги саноқли давлатлардан бири саналади. Ўзбекистон автомобиль ишлаб чиқариш бўйича жаҳоннинг йигирма саккизинчи мамлакати сифатида қайд этилган. Мамлакатда инвесторлар учун қулай сармоявий муҳит ва қонунчилик базаси яратилган", дейилади мақола якунида.

**«Жаҳон» АА.**

# ОЗОН ҚАТЛАМИГА ОЗОР ЕТМАСИН

***Олам шундай яралганки, ундаги ҳар бир нарсанинг ўз ўрни бор. Улардан бирига путур етса борми, ўнглаб бўлмас муаммоларни келтириб чиқариши муқаррар. Бунга озон қатламининг емирилиши яққол мисол бўла олади.***

Медиатур

Мутахассисларнинг айтишича, озон қатлами Ер сатҳидан 10-15 километр баландликда ҳосил бўлган ва инсониятни қуёшнинг зарарли нурларидан ҳимояловчи қобиқ ҳисобланади. Аниқроғи, озон қатлами Ер юзида ҳаёт учун қулай шароитни яратиб беради. Бироқ ана шу халоскор қобиқ инсон омили таъсирида емирилаётгани ачинарлидир. Оқибатда глобал иқлим ўзгариши кузатилаяпти, инсон саломатлиги билан боғлиқ хасталиклар, хусусан, турли тери ва кўз касалликлари кўпаяяпти. Мана, исботи: АҚШда йилига 10-30 минг киши тери саратони ташхиси билан рўйхатга олинади.

Шу боис озон қатламини муҳофаза қилиш мақсадида Вена конвенцияси ва Монреаль протоколи ишлаб чиқилган. Ушбу халқаро ҳужжатларни дунёнинг 196 давлати, шу жумладан, Ўзбекистон 1993 йилда ратификация қилди.

Ҳар йили 16 сентябрь санасида, яъни Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш кунида ана шу ҳужжатлар ижроси сарҳисоб қилинади, галдаги вазифалар белгилаб олинади. Жорий йилда мазкур тадбир "Озон қатламини муҳофаза қилиш: энг яхши бошқарув ва мувофиқлик" шиори остида кенг нишонланди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Озон офиси тадбир доирасида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун "Қуёш энергияси ва озон қатламининг ҳимоя функциялари" мавзуида медиатур уюштирди.

Таъкидландики, хўжалик фаолиятида ишлатиладиган хлорфторуглеродлар, бромли метил, галонлар ва эритувчи бирикмалар озон қатламини емирувчи асосий моддалар ҳисобланади. Монреаль протоколига асосан, 2009 йилнинг охирида бундай моддаларнинг 98 фоизи муомаладан чиқариб ташланди.

Медиатур иштирокчилари Паркент туманида жойлашган "Қуёш-Физика" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб, дунёдаги ноёб қурилма, яъни катта қуёш печи билан танишдилар. Бу ердаги гелийли печларда қуёш энергияси ёрдамида қийин эрийдиган материаллар қайта ишланиб, соф хом ашё олинади. Ундан тўқимачилик, энергетика, нефть-газ саноати ва бошқа соҳалар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади.

— Бундай қурилма жаҳоннинг икки давлатида, яъни Франция ва Ўзбекистонда барпо этилган, — дейди ЎзФА Материалшунослик институти илмий котиби Мирзасултон Маматқосимов. — Бу бежиз эмас, албатта. Чунки юртимизнинг, хусусан, Паркент туманининг экологияси ниҳоятда тоза бўлиб, йилнинг аксарият кунлари қуёшлидир. Паркентда қиш кунлари, масалан, қор ёққандан сўнг 1100 ваттгача энергия олиш мумкин.

Иштирокчилар институт ходимлари томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар билан яқиндан танишиб, озон емирилишига сабаб бўлаётган омиллар, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида қимматли маълумотлар олдилар. Шундан сўнг журналистлар гуруҳи туманнинг Чанги қишлоғидаги 11-мактабда очилган "Ўлкашунослик" музейига ташриф буюрдилар.

— Ёш авлод қалбида она-табиатга меҳр-муҳаббат уйғотиш, табиий неъматларнинг қадрига етишни тарғиб қилиш биз, ўқитувчиларнинг бурчимиздир, — дейди музей ташаббускори Нигора Саидвалиева. — Мактабимизда очилган ушбу мўъжаз музей бу борадаги ишларнинг самарасидир. Чунки унга қўйилган экспонатларнинг аксарияти ўқувчилар томонидан тақдим этилган.

Мазкур музейдан IX — XIX асрларга оид 200 дан зиёд экспонат жой олган бўлиб, уларнинг барчаси Чанги қишлоғи ҳудудидан топилгани диққатга сазовордир. Нигора Саидвалиеванинг айтишича, музей яна 50 та экспонат билан бойитилади. Ҳозирда мазкур буюмларни таъмирлаш ишлари олиб борилаётир.

Тадбир доирасида мактаб ўқувчилари ўртасида Озон офиси томонидан тайёрланган "Оззи озон" интерфаол ўйини ўтказилди. Унинг иштирокчиларига ўйин асносида озон қатлами емирилишининг олдини олиш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, қуёш нурларидан сақланиш ва унинг инсон саломатлигига таъсири тўғрисида маълумотлар берилди.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Сарсенбой оға Сейтназаров нафақат Тахтакўпир тумани, балки бутун бошлиқ Қорақалпоғистон диёрининг энг олди фермерларидан. Олий Мажлис Сенати аъзоси. Баланд бўйли, дуркун қоматли, юрса ер, кулса нақд Амударё мавжланиб, Орол осмони гулдираб кетадиган серсавлат, серҳаракат, сердавлат киши. Алпомишга эшлиги, Гўрўғли султонга хешлиги бор. Яхши гурунг беради. Излаб борган меҳмонни олд томонига "Ташаббус — 2006" деб ёзилган, Президентимиз совға қилган "Матиз"га миндириб, машинасини қуёшда қайнаб ётган, тухум у ёққа турсин, гўштни кўмиб қўйсангиз, кўмирга айлантириб қўядиган баланд-паст қум барханлари, юлғунзорлар оралаб ҳайдайди.***

# БАРХАНЛАР БАҒРИДАГИ ХАЗИНА

Қўққисдан уловини тўхтатадида, рулдан тушиб, яёв юриб кетаверади. Тиззадан қум кечиб, ҳалпиллаб, ҳарсиллаб, юзингиздан тер томчилаб эргашмаслик, югурмасликнинг асло иложи йўқ. Юлғунзорлар оралаб, бархан ортига ўтасиз-у, бутунлай бошқа манзара — гуллаб-яшнаб ётган кўм-кўк ғўза пайкалига кўзингиз тушади. "Э, гап буёқда экан-да!" деб юборасиз. Бархан бағридаги бўлиқ даладан, мўъжизадан дилингиз қувнайди.

Сарсенбой оғанинг юз гектарнинг нари-берисидаги пахтазорини кўриш учун нақд минг гектар барханзор, юлғунзорни оралаб ўтишимизга тўғри келди. Сездикки, фермер ери шўрдан салгина холироқ, суғориш имкони бор жой бўлса, уруғ сочиб кетаверган. Ғаллазори ҳам, шолизори ҳам худди шундоқ.

— Бу ерларни "Таймбетнинг даласи", дейишади, — дейди Сарсенбой оға. — Ўтган асрнинг 70-йилларида бу жой Оролнинг қирғоғи эди. Бепоён денгиз шундоққина кўриниб турар, ёнгинамизда кемалар сузиб юрарди. Денгиз "этак тутқазмай" қочди. Бизга шўр бўлса-да, ғўр бўлса-да, шу-у-унча ерни ташлаб кетди. Мана энди шу барханлар бағрида "Таймбет" фермер хўжалигини тузиб, пахта ва ғалла етиштираяпмиз. Боғ-роғлар қилаяпмиз.

— Наҳотки, шу барханзорда боғ бўлса? — ҳайратланамиз.

— Кетдик! Сизларга олмазоримни кўрсатаман! — дейди Сарсенбой оға. — Ўшанақаси чорвага ўтамиз.

Офтоб нақд куйдираман, ёндираман, дейди. Борлиқ оловаланга оғушида қовурилаётганга ўхшайди. Ёз чилласи-да. Бизнинг қаҳрамонимизнинг эса парвойи палак. "Матиз" барханлар оша, гўё денгиз тўлқинларида сузгандек, елиб боради. Очиқ ойнадан уфураётган гармсел юзларни ялаб ўтади. Кўз ачишади.

Замондош билан юзма-юз



— Истиқлол сизга нима берди? — саволга тутамиз донгдор фермерни.

— Катта бобомизни Дилимбой дейишган, — гапни узоқдан бошлайди Сарсенбой оға. — Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида бор мол-мулкини мусодара қилишиб, ўзини қамоққа тиқишган. Бу билан кифояланмай, ҳамма оила аъзоларини, жумладан, бобом Сейтназар жалғизни ҳам чўлнинг ичкарисига, "Борса-келмас"га бадарға қилишган... Нимасини айтай! Яқингача отамиз Эржон оғани ҳам "бойнинг боласи" деб кўз очиргані қўйишмасди. Ишонасизми, шунча яйлов, шунча бўш жой туриб, отам раҳматли ҳовли-жой қуриш учун кафтдеккина ерга зор бўлиб ўтди. Мана энди, қаранг, менинг 400 гектардан ошиқ ерим, қанчадан-қанча техникам, экскаватору комбайнларим, қўра-қўра қўйм-молим бор. Мақтанишга йўйманглар-у, сенаторман. Бир оёғим Тахтакўпирнинг ана шу Таймбетида бўлса, бир оёғим пойтахт Тошкентда. Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзосиман. Давлат миқёсидаги катта-катта масалаларни ечишда ўз сўзим, овозим билан қатнашаман. Мана, сиз "Истиқлол нима берди?" деб сўраяпсиз. Бир замонлар етти ухлаб тушимга ҳам кирмайдиган катта имконни менга, мен каби минг-минглаб фермерларга, албатта, Мустақиллигимиз берди! Мард, танти, узоқни кўра биладиган донишманд Президентимиз берди! Биз, фермерларга "Қуринглар, яратинглар, ўзларинг ҳам бой бўлинглар, эл-юртни ҳам бойитинглар. Бу йўлда ҳеч нарсадан қўрқманглар. Ортларингизда мана, мен борман!" деган ким? Ислом Каримов! Юртбошимиз! Давлатимиз раҳбарининг ўша даъватига "лаббай" деб жавоб бериб, қўрқмай ишлаган, ишлаётган ва меҳнатидан барака топаётган фермерлардан биттаси — менман!

Ишни нимадан бошлагансиз, дейсизми? "Қандай бойиб кетдингиз?" деб очиғини айтаверинг. "Мақбалкўл" жамоа хўжалигида эл қатори ўнбоши эдим. 2000 йилда раҳматли отамнинг даъвати билан 200 гектардан ошиқроқ ер олиб, фермер бўлдим. Шоли, пахта экдик. Июнга бориб, дарё суви тортилди. Эллик гектарнинг нари-берисидаги шолизорларимизнинг жизғанаги чиқди. Ҳар қалай, пахтадан 30 центнердан ҳосил олиб, шолидан кўрган зараримизнинг бир қисмини қопладик. Ўша йили "таваккал" деб, қуриган 15 гектар шолизор ўрнига оқ жувори эккандим. Бошини кўтаролмай қолди, жонивор. 22 тонна ҳосил олдим. Қарзларимиздан қутулиб, 23 миллион сўм фойда кўрдик. Фойдамизга жамғармамизни қўшиб, 50 бош бузоқ, 150 бош қўй-эчки олдим. Мана, энди қорамолларимиз 250 бошга, қўй-эчкиларимиз 2000 бошга етди. Яна балиқчилик хўжалигимиз ҳам бор.

Барханлар орасида шохлари ларзон-ларзон олмазорга кўзимиз тушиб:

— О-ҳо-о! Қойил-е! — деб юбордик беихтиёр.

— Президентимизга раҳмат! — дейди бизнинг хаяжонимизга эътибор бермай Сарсенбой оға. — Биз, фермерларга ҳамма шароитни яратиб бердилар. Техника десак техника, ўғит десак ўғит, ёнилғи деймизми, эҳтиёт қисмми... ҳаммаси муҳайё. Қўлимизни қаёққа узатсак, етади. Фақат дилдан чиқариб ишлашимиз керак. Муҳтарам Юртбошимизга, Истиқлолимизга муносиб иш қилишимиз керак. Шунга ҳаракат қилаяпмиз, интилаяпмиз. Ҳозир кичик нон заводимиз, беда уруғи ишлаб чиқарадиган цехимиз бор. Собиқ "Мақбалкўл" хўжалигига қарашли бинони олиб, қайта таъмирлаб, овулимиз аҳли, ёшларимиз учун спорт залига, тўйхонага айлантирдик. Эндиликда дудланган гўшт, балиқ консервалари ишлаб чиқарадиган кичик корхона очиш, хорижий технологияни олиб келиб ўрнатиш ҳаракатида юрибмиз.

...**Б**арханлар бағридаги, мевасини кўтаролмай, мажнунтолдек бош эгиб ётган олмазорга боқиб, "Инсон қўли — гул. У мўъжизалар яратишга қодир", деб ўйладик. Бу боғ кўзимизга эртаклардаги Боғи Эрам янглиғ кўринарди.

**Али ЗИЁД.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Газ қувури портлади

***Болгариядаги транзит аҳамиятга эга бўлган газ қувурида портлаш юз берди.***

Кўнгилсизлик мамлакатнинг Горна Поляна қишлоғи яқинида содир бўлган. Портлашдан сўнг ёнғин келиб чиққан. Натижада қувурнинг ўн беш метр жойига жиддий зарар етган. Ҳуқуқ-тартибот идоралари фалокатдан ҳеч ким жабрланмаганини маълум қилди. Шунингдек, тезкор кўрилган чора-тадбирлардан сўнг ёнғин ўчирилган ва қўшимча йўналишдан газ узатиш йўлга қўйилган.

Фожиа техник нуқсон туфайли содир бўлгани айтилмоқда.

## Поездлар тўқнашиб кетди

***Бельгияда иккита йўловчи поезди тўқнашиб кетди.***



Кўнгилсизлик мамлакатнинг Арлон шаҳридаги вокзалда юз берган. Бу ерда «Люксембург — Арлон» йўналиши бўйича ҳаракатланаётган поезд вокзалда тўхтаб турган бошқа бир поездга келиб урилган. Натижада 56 нафар йўловчи турли даражада тан жароҳати олган. Уларнинг ҳаёти хавф остида эмас.

Ҳозирча фалокат сабабларига тўлиқ ойдинлик киритилгани йўқ. Ҳалокат машинистнинг хатоси ёки поездлар ҳаракатини назорат қилиш бошқармасининг эътиборсизлиги туфайли содир бўлгани тахмин қилинмоқда.

## Сайёҳлик соҳасида жонланиш

***Хориж оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга кўра, жаҳон сайёҳлик саноатида яна жонланиш кузатилмоқда.***

Яъни жорий йил учинчи чорагида етакчи сайёҳлик ташкилотлари хизматидан фойдаланганлар сони ортган. Хусусан, ушбу даврда Франциянинг "Club Med" компаниясида савдо ҳажми 4,5 фоизга кўпайган.

Экспертлар ёнилғи маҳсулотлари нархи қимматлашган пайтда бундай кўрсаткичнинг қайд этилиши ижобий ҳолат, дея баҳолашмоқда. Бундан ташқари, "Club Med"нинг қишки йўлланмаларига ҳам буюртмачилар сони ошиб бормоқда.

## Акцияларини сотмоқчи

***"Automotive News Europe" нашрининг ёзишича, "Renault" (Франция) автомобилсозлик компанияси "Volvo AB" (Швеция) корхонасининг ўзига тегишли бўлган 20 фоиз акциялар пакетини сотишга қарор қилган.***



Бу ҳақда компания менежери Патрик Пелата журналистлар билан учрашув чоғида айтиб ўтган. Унинг сўзларига кўра, ушбу акциялар пакети қиймати 2,2 миллиард еврога тенг.

## Жангариларга қарши амалиёт

***Покистоннинг Шимолий Вазиристон музофотининг Шавал туманида жангариларга қарши ҳарбий амалиёт ўтказилди.***

Бу ердаги босқинчилар ўрнашиб олган жойларга ҳаводан зарбалар берилган. Натижада 11 нафар жангари йўқ қилинган. Маълумот маҳаллий ОАВ воситалари томонидан расмий манбаларга таяниб тарқатилди.

Шимолий Вазиристоннинг ҳудудида бундан беш кун муқаддам ҳам жангариларга қарши ҳарбий амалиёт ўтказилганди ва унда Гудивела қишлоғида жойлашиб олган беш нафар босқинчи йўқ қилинганди.

## Тартибли ва тартибсиз авиакомпаниялар

***«Росавиация» Россияда фаолият кўрсатаётган авиакомпаниялар орасида "SkyExpress"ни энг тартибсиз, дея топди.***



Бундай хулоса чиқаришга мазкур компания томонидан шу йилда амалга оширилган 947 парвоздан 235 таси ўз вақтида манзилга етиб келмагани сабаб бўлган. Иккинчи поғонани банд этган "Nord Wind" компаниясида 24 фоиз рейслар турли сабабларга кўра кечиккан. "Московия" авиакомпаниясида эса бу кўрсаткич 21 фоизни ташкил қилган.

Энг тартибли ишлаётган авиакомпания сифатида "Ай Флай" эътироф этилди. У амалга оширган 210 парвознинг деярли барчасида йўловчилар ўз вақтида манзилга элтиб қўйилган. Ана шундай намунали хизмат кўрсатаётган авиакомпаниялар рўйхатига "Башкортостан" ва "Аэрофлот" ҳам киритилди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

***Мамлакатимизда мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳаётимизнинг фаровон бўлишини таъминламоқда. Ўз ўрнида бундай ўзгариш ва янгиланишлар ҳар биримиздан фаол ва ҳаракатчан бўлиш, элим деб, юртим деб ёниб яшашни талаб этмоқда. Бугун "Биз шу юрт, шу Ватанга наф бўлгулик қандай ҳисса қўшдик?" деган саволга ҳар биримиз ўз ишимиз билан жавоб бермоғимиз лозим, деб ўйлайман.***

# ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

### Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?!

Зеро, ҳар биримиз кўриб, билиб турибмизки, истиқлол туфайли Ўзбекистонимиз том маънода тараққий этиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг изчил саъй-ҳаракатлари туфайли бугун ўзбек, Ўзбекистон деган сўзлар жаҳон афкор оммасига маълум ва машҳур бўлди. Буларга ўз-ўзидан эришганимиз йўқ, албатта. Бу эзгуликлар замирида оқилона сиёсат мужассамдир.

Истиқлол йилларида ҳаётимизга татбиқ этилаётган янгиланишларнинг муҳим жиҳати шундаки, бу ислоҳотлар нафақат шаҳарларни, шу билан бирга, қишлоқларимизни ҳам қамраб олмоқда. Бу эса ҳар бир гўшада, ҳатто энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий ўқув масканлари, тиббиёт пунктлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари пайдо бўлишига замин ҳозирлади. Масалан, ўзимиз яшайдиган ҳудуд — Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Ўрта Овул" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳақида гапирадиган бўлсам, бу ерда 17 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 8 та маҳалладан иборат ушбу масканда 3 та болалар боғчаси, битта коллеж, 3 та мактаб, 2 та шифохона фаолият кўрсатади. Коллежнинг спорт зали, волейбол, баскетбол, футбол ўйинлари ўтказишга мўлжалланган стадиони ҳам ёшлар ихтиёрида.

Истиқлолимизнинг 19 йиллиги муносабати билан эса ҳар бир гузар, ҳар бир маҳаллада ободончилик ишлари амалга оширилди. Хусусан, Навбаҳор, Олмазор, Ўзбекистон маҳаллаларида ички йўллар таъмирланди, тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёж қондирилди. Ногирон, боқувчисини йўқотганлар ҳам доимий назоратимизда. Уларнинг саломатликларини муҳофаза қилиш, уйларини таъмирлаш, кам таъминланган оилалар фарзандларининг ўқишига кўмаклашишни фаол аъзоларимиз эътибордан четда қолдиришмайди. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган, ўқишни битирган кўплаб ёшларимиз ҳудудимиздаги қўшма корхоналар, "Покиза туз савдо" қадоқлаш цехи, "Камрон текст" каби цехлар ҳамда бошқа ташкилотларга ишга жойлаштирилаяпти.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида 44-мактаб капитал таъмирланди.

Маҳалламизда ҳаётнинг пасту баландини кўп кўрган нуронийлар бор. Улар билан суҳбатлашиб қолганимизда, бугунги ҳаётимизнинг фаровонлигини, бебаҳо неъмат — тинчлик-хотиржамлик ҳукмронлигини, буларнинг барчаси Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб олиб бораётган сиёсати маҳсули эканлигини фахру ифтихор билан таъкидлашади.

Дарҳақиқат, истиқлол туфайли энг катта орзуларимизнинг рўёбини кўраяпмиз. Шунинг учун ҳам бугунги ислоҳотлар ҳар бир фуқарога фахру ифтихор бахш этмоқда. Бундай янгиланишлар эртанги кунимиз бугунгидан ҳам фаровон бўлишига хизмат қилади. Айниқса, ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик самарасиз кетмайди. Болаларимиз Президентимиз ғамхўрлигига жавобан Ватанга муносиб етук фарзандлар бўлиб етишишлари аниқ.

Энг муҳими, бундай эзгуликлар сизу бизни ташаббус билан чиқиш, эл-юртга наф келтириш, яхшилик қилиб дуо олишга чорлайди. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир.

**Илҳом ЮНУСМАТОВ,**
**Зангиота туманидаги «Ўрта Овул» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.**

# МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Фанлар академиясига етук олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, Бухоронинг тарихий обидалари, «Кўҳна ва боқий Бухоро» мажмуаси тўғрисида махсус қўлланма ишлаб чиқиш, ёшларга мажмуанинг мазмун-моҳияти ва ғояларини етказиш мақсадида мазкур қўлланма асосида ёш тарихчи олимлар ва талабалардан иборат гидлар тайёрлаб, уларнинг доимий фаолият олиб боришини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Мажмуага ёшлар, жумладан, ёш келин-куёвларнинг мунтазам ташриф буюришини ташкил этиш мақсадида ҳаракатнинг Бухоро шаҳар бўлими кенгаши ва Бухоро шаҳар ФҲДЁ бўлимини амфитеатр биносига жойлаштириш бўйича таклифлари қўллаб-қувватланди.

Шу билан бирга, талаба-ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида илмий ҳамкорликни кучайтириш ва инновацион ижодкорликни ривожлантириш мақсадида республикамиз олий таълим муассасалари талабаларининг «Талабалар фестивали»нинг жорий йил ноябрь ойида Бухоро шаҳрида ўтказилишига оид таклиф маъқулланди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳи базасида ёшлар оромгоҳини ташкил этиш ва унинг самарали фаолият олиб боришини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Васийлик кенгаши мажлиси кун тартибига қўйилган барча масалалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни инобатга олган ҳолда, тегишли қарорлар қабул қилди.

**(ЎзА).**

# Санъат ҳафталиги олдидан

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қолаверса, лойиҳа юртимиздаги ёш дизайнерларнинг ноёб қобилият ва истеъдодларини юзага чиқариш, улар ижодини кенг танитиш, миллий анъаналаримиз, ўзбекона урф-одатларимиз ҳамоҳанглигида яратилган бетакрор либосларнинг жаҳон узра кенг ёйишга хизмат қилади.

Санъат ҳафталиги доирасида юртимиз дизайнерлари ва хорижий мода уйларининг либослари намойиши, Миллий либослар фестивали, "Underground" ёш дизайнерлар намойиши, "MEROS" Ўзбекистон антикварлар уюшмаси анжумани, "Вақт белгилари" мавзуида замонавий санъат кўргазмаси, "Замонавий хореография ва спорт пластикаси" танлови, халқаро фотобиеннале каби турли маданий тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Тадбир ташкилотчиларининг таъкидлашича, мазкур ҳафталикда жаҳоннинг етакчи мода уйлари, ёрқин истеъдодли дизайнерлар меҳмон бўлишади. Хусусан, "Salvatore Ferragamo", "Max Mara" (Италия), "Hugo Boss" (Германия), "Balmain" (Швейцария) мода уйлари, таниқли дизайнерлардан Игорь Чапурин (Россия), Агата Руиз де ля Прада, Лемоньез (Испания) Dominico Vacca (АҚШ), Чисато Цумори, Наоши Саванаяги (Япония) ҳамда бошқа мода ва дизайн ижодкорлари иштирок этишади. Шунингдек, юртимиз санъати ва маданияти, миллий анъаналаримиз ҳамда бебаҳо меросимиз намуналари билан яқиндан танишиш имконига эга бўладилар.

Анжуман якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга тегишли жавоб олдилар.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**қуйидаги кафедралар бўйича 2010 — 2011 ўқув йилига бўш ўрин лавозимларига танлов эълон қилади:**

- **Машиналарни лойиҳалаш асослари:** кафедра мудири, ассистент.
- **Химмотология:** кафедра мудири.
- **Менежмент:** кафедра мудири, профессор, катта ўқитувчи, ассистент.
- **Сиёсатшунослик ва Ўзбекистон тарихи:** кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи.
- **Жисмоний тарбия:** кафедра мудири.
- **Автомобилсозлик технологияси:** кафедра мудири.
- **Автомобилларда ташишни ташкил этиш ва логистика:** кафедра мудири, катта ўқитувчи.
- **Педагогика ва психология:** кафедра мудири, катта ўқитувчи, ассистент.
- **Автомобиллар техник эксплуатацияси:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- **Автотрактор двигателлари ва экология:** доцент, катта ўқитувчи.
- **Автомобиль йўллари ва аэропортлар:** доцент, катта ўқитувчи.
- **Иқтисодиёт ва сервис:** профессор, доцент, катта ўқитувчи.
- **Информатика ва ахборот технологиялари:** профессор, доцент.
- **Фалсафа:** доцент, катта ўқитувчи.
- **Амалий механика:** доцент.
- **Электромеханика ва автоматика:** катта ўқитувчи.
- **Тиллар-1:** катта ўқитувчи, ассистент.
- **Тиллар-2:** катта ўқитувчи, ассистент.
- **Кўприклар ва транспорт тоннеллари:** катта ўқитувчи, ассистент.
- **Олий математика:** катта ўқитувчи.
- **Автомобиллар:** ассистент.
- **Чизма геометрия ва графика:** ассистент.

*Танлов муддати — эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун.*

**Танловда қатнашишни хоҳловчилар қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 20-уй, 156-хона, ТАЙИ ходимлар бўлими.**

Телефон: (8-371) 232-15-29.

876R/1052



CSP PIPELINE
ПП «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ» ООО
ПРОИЗВОДИТ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ
ДЛЯ ВОДОСНАБЖЕНИЯ, ГАЗОСНАБЖЕНИЯ И ДЛЯ КАНАЛИЗАЦИИ
Диаметр труб от 16 до 710 мм, выдерживающие давление до 20 кгс/см²
Соединительные детали:
ТРОЙНИКИ, ПЕРЕХОДНИКИ, ОТВОДЫ, АДАПТЕРЫ, КРЕСТОВИНА
Проводим монтаж трубопроводов
Используем только первичное сырье: PE-80, PE-100
На всю продукцию имеется СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ, ГИГИЕНЫ а также ISO 9001:2008
Индивидуальный подход к каждому клиенту. Качество у нас!!!
Гибкая система скидок
Гарантия — 2 года, срок службы — 50 лет.
Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантохур, 36, головной офис: Бизнес-центр «Лабзак».
Тел./факс: 244-83-00, моб. (+998 90) 995-19-99, (+998 93) 547-49-75, (+998 97) 404-56-42.
e-mail: sedou2006@yandex.ru
6858/880



CENTRAL ASIAN INDUSTRIAL WEEK
СИЗНИНГ ТАКЛИФНОМАНГИЗ
POWER UZBEKISTAN — ЭНЕРГЕТИКА; miningworld UZBEKISTAN — ТОҒ-КОН ИШИ; MCA — МАШИНАСОЗЛИК
Central Asian Industrial Week анжуманининг амалий дастури
22 сентябрь: Энергетика халқаро конференцияси. Мавзу: «Энергетика — 2010: инновациялар, ечимлар, истиқболлар»
22 сентябрь: Украина ишлаб чиқарувчилари куни
21-23 сентябрь: Иштирокчи компанияларнинг стендлари орқали таништириш маросими



Ташкилотчи: ITE UZBEKISTAN
Ўтказиш жойи: «Ўзэкспомарказ»
Ўзбекистон, 100015, Тошкент ш., Ойбек кўчаси, 20.
Тел.: (+998 71) 113 01 80, Факс: (+998 71) 252 51 64
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz
www.ite-uzbekistan.uz
ufi Member
Guvohnoma № 3583



«МЕҲРЛИ САВДО» ШЎЪБА КОРХОНАСИ
2010 йилнинг IV чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:
сариёғ, 1-категорияли музлатилган мол гўшти.
Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ниёзбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.
Тел.: (8-371) 237-14-94, 237-45-15. Факс: 237-14-92.
Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2010 йил 28 сентябрь соат 17.00 гача.
8858/1077



Продаются КВАРТИРЫ от застройщика в Янкасарайском районе




281-52-02, 281-42-02, 709-08-77



ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
сизга манфаатли шартларга асосланган «АНТИҚА» жамғарилувчи омонатини таклиф этади.
«Антиқа» муддатли омонатига маблағлар миллий валютада 2 ойдан 12 ойгача бўлган муддатларга қабул қилинади.
Маблағларнинг омонатда сақланиш муддатларидан келиб чиқиб, 2 ойга йиллик 24%, 4 ойга йиллик 25%, 6 ойга йиллик 26%, 8 ойга йиллик 27%, 10 ойга йиллик 28% ва 12 ойга йиллик 29% миқдорида фоиз даромадлари тўланади.
Омонатга маблағлар Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.
ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!
ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
Қўшимча маълумотларни (+99871) 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.


Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси вазирлик Бош бошқармаси бўлим бошлиғи Одилбек Қаипбергеновга отаси — Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ ёзувчиси

**Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"O`zbekiston" телерадиоканали жамоаси ходимлар бўлими бошлиғи Феруза Аҳмедовага укаси

**Ойбек АҲМЕДОВнинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси университет доценти

**Ўринбой ҲОШИМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ФАХР

**Жарқўрғон туманининг Сочки маҳалласидаги 32-мактабни қишлоқ одамлари "Ўрол полвоннинг мактаби" деб атайдилар.**

**Ўрол Қурбонов — кураш ва самбо бўйича спорт устаси. То ўттиз беш ёшига қадар тўй давраларига файз, шинавандаларга завқу қувонч, эл-улусга фахр-ифтихор улашиб, кураги ерга тегмаган полвон. Ёши эллик саккизда. Шу 32-мактабнинг директори. Бугун у — раҳбар, оқсоқол, устоз. Невараларига меҳрибон бобо. Лекин, энг муҳими, у ҳамма учун ҳамон Ўрол полвон.**

# ПОЛВОН МАКТАБИ

Сочларига қиров тушган. Юз-кўзлари ёши катталашиб қабаргандай. Бироқ ҳалиям қадди-комати алифдек. Қадамларидан ўт чақнайди. Гаплари ўктам. Ишлари саришта.

... Мактабнинг янги қурилган биноси қошидаги спорт майдонига ажратилган жой баланд эди. Сув чиқмас, эски, бузиб кетилган уйларнинг бетон пойдеворлари ивирсиб ётарди. Полвон ана шу метин ерга кетмон урди. Бульдозер ўн бир кун тупроқ сурди. Маҳаллакўй, ота-оналар ҳашарга келишди. Кимдир қувур, кимдир дарвоза, яна кимдир кўчат тортиқ қилди. Стадион учун катта ўлчам олдилар. Баскетбол, волейбол, югуриш йўлакларини созлаб, бу ерга оқар сув олиб келдилар. Икки минг туп терак, яна шунча туп арча ўстирдилар.

Янги қурилган спорт залини эпақага келтириш ҳам осон бўлгани йўқ. Ниҳоят, зал жиҳозларга тўлиб кетди. Кўп ўтмай, бу ерда кураш, каратэ, теннис тўгаралари очилди. Полвон эски кураш гиламларидан воз кечиб, росмана татами олиб келди. Мураббийлар олдига "Ҳар йили камида иккитадан чемпион чиқарасизлар, бу ахир, 32-мактаб", деб вазифа қўйди.

Бир гал йиқилган ҳамқишлоғининг орига Ўрол полвон нотаниш бир рақибга рўбарў келганди. Рақибининг бўйи икки газ. Вазни тўққиз пуддан кам эмас. Бунинг устига, ёш, чаққон. Оёқлари тақир ерга ботиб давра айланади.

Ўрол полвон иккиланмади. Рақибига қарши унинг ҳаракатлари инерциясидан фойдаланиш усулини қўллашга чоғланди. Шундай қилди ҳам. Рақиби ён томондан чил солиш учун олға ташланганида унинг белбоғидан қўлларини чирмаштириб ушлаган кўйи боши узра кўтарди. Чап қўли сирғалиб кетиб, рақибининг оғирлиги бир муддат фақат ўнг қўлига тушиб қолди. Ўшанда юрагига зил етган экан. Зил етгани кейин-кейин билина бошлади.

Полвон тушкунликка тушмади. Спорт машғулотларини соғлиғига қараб тартибга келтирди. Спорт унга шифо, куч-қувват, умид-ишонч бахш этди. Ўзи қурган спорт майдонида Ўрол полвон ҳар тонгда югуради. Бир соат турли машқлар бажаради. Унга эргашганларнинг кўплигини айтинг: Баҳодир Тўхлиев, Бахтиёр Жумаев, Эркин Абдуллаев сингари катта ёшдаги одамлар ҳам бор. Стадион одамга тўлиб кетади. У қишлоқнинг саломатлик марказига, Ўрол полвоннинг катта мактабига айланиб улгурган. Бу мактабдан сабоқ олаётганлар хушчақчақ, соғлом, дилкаш.

Суҳбат интиҳосида Ўрол полвон бешинчи фарзанди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси, кураш бўйича 6 та халқаро турнир ғолиби, Осиё чемпиони, Пекин Олимпиадаси иштирокчиси Ўткирбек ҳақида гапириб қолди. Ўткирбек Испания сафарига тайёргарлик кўраётган экан. У, насиб этса, албатта, дзюдо бўйича Олимпиада чемпиони бўлишига полвон отаси дил-дилидан ишонар экан. Қишлоқ болалари, "Биз ҳам Ўткир акамиздек бўламиз", деб белларига белбоғ боғлашар экан...

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Спортдаги янгилик кўз очиб юмгунча эл-улусга бориб етади. Яқинда Сингапурда сув тўпи бўйича ўтказилган Осиё биринчилигида мамлакатимиз вакилларининг ғолиб чиққанлиги ҳақидаги хушхабардан ҳам кўпчилик жуда тез воқиф бўлди. Мусобақаларда иштирок этган ўндан зиёд мамлакат ёшлар жамоалари орасида энг юқори натижага эришган юртимиз терма жамоасининг асосини эса наманганлик спортчилар ташкил этди. Уларнинг аксарияти вилоятдаги Олимпия захираларига ихтисослашган 23-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида тарбияланишган.**

# ИНТИЛИШ ВА МАҲОРАТ САМАРАСИ

— Болалар спортига бўлган эътибор, келажагимиз эгаларининг жисмоний етуклик машқлари билан эмин-эркин шуғулланишлари учун яратилган шароит туфайли сув спорти иштиёқмандлари сафи ҳам кенгайиб бормоқда, — дейди олий тоифали мураббий А. Сковкина. — Бугун мактабимизда тарбия олаётган 300 нафардан зиёд болалар ва ўсмирлар иқтидорини рўёбга чиқаришда жаҳон андозаларига мос учта сузиш ҳавзасидаги доимий машғулотлар, 16 нафар мураббийнинг билим ва тажрибаси муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Бунинг пировард натижасини сув полоси бўйича ёшлар ва ўсмирлар миллий терма жамоаси сафида 32 нафар шогирдимиз ўйнаётганидан ҳам билиб олса бўлади.

Сув спортининг жозибаси бошқача. Мактабдаги сузиш ҳавзаларида сув парилари мисол яйраб қулоч отаётган қизларнинг иштиёқидан буни сезиб олиш қийин эмас. Бу ердаги машғулотлар чоғида танаси ором олиши баробарида, жисмоний чиниқиш синовидан ўтаётган болалар ва ўсмирларнинг кўпчилиги танлаган йўлини шунчаки ҳавас эмас, балки жиддий мақсад деб билади. Эндиликда ўнлаб нуфузли мусобақаларда маҳоратини намойиш этиб улгурган Аделина Зуннурова сув спорти билан шуғуллана бошлаганида ҳали ўн ёшга ҳам кирмаганди. Устози Анастасия Сковкина унинг интилиши, чаққон ҳаракатларини жуда тез илғаб олди ва келажаги порлоқ бўлган қизча билан астойдил ишлади. Адашмаган экан. Анчагина мураккаб бўлган сув тўпи машғулотларида ҳеч бир ўйинни дарвозани ишғол этмай якунламайдиган Аделинадан сув тўпи бўйича ажойиб спортчи етишиб чиқди. Унинг чаққонлиги, айниқса, ўтган йили мактаб терма жамоаси қизлар ўртасида ташкил этилган республика биринчилигида ғолиб чиққан чоғида анча қўл келди. Ўшанда эришилган юқори натижа ҳисобига Аделина ва унинг дугоналаридан уч нафари олий ўқув юрти талабаси бўлиш имкониятини барвақт қўлга киритишди.

Масалан, хорижий давлатдаги биринчилик давомида рақиб жамоалар дарвозасига энг кўп тўп киритиб, ҳаммани қойил қолдирган Рамиля Холиқова катта спортга шу ердан парвоз қилган. Ихтисослашган мактабда ўтказган йиллари унга истиқбол эшикларини очди. Нуфузли мусобақаларда эришган ютуқлари эвазига олий ўқув юртига имтиёз билан қабул қилинди. Талабалик даврида маҳорати янада сайқаллашди. Эндиликда ўзи ҳам устоз: олий маълумотли мутахассис сифатида тажрибасини болалар ва ўсмирларга ўргатяпти.

***Айни чоғда ихтисослашган мактабда болалар ва ўсмирлар сув полоси, сузиш, синхрон сузиш ва эшкак эшиш йўналишлари бўйича тарбия олишяпти. Сув полосига қизиқиш, айниқса, ортиб бормоқда. Унда қатнашаётган ўғил-қизлар сони 194 нафарга етди. Кўрсаткичлар ҳам шунга яраша. Биргина жорий йилнинг ўзида Россиянинг Ханти Манси ва Қозоғистоннинг Остона шаҳарларида ўтказилган халқаро биринчиликларда наманганликлар юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди.***

Бундан ташқари, мамлакатимизда анъанавий тус олган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ўйинларида муттасил совринли ўринлар қўлга киритилаётганлиги мактаб нуфузи тобора кўтарилаётганидан далолат беради.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# СПОРТНИНГ СИРЛИ ОЛАМИ



**Спорт — нафақат саломатлик гарови, балки қизиқарли воқеалар, фактлар, кутилмаган натижалар олами. Шунинг учун ҳам у мухлису мутахассисларни мудом ўзига мафтун этиб келади.**
***Қуйида эътиборингизга ҳавола этиладиган маълумотлар ана шу ажойиботлардан бир шингил.***

## Ажойиб фактлар, қизиқарли маълумотлар

Спортдаги энг секин тезлик 1889 йил 12 августда қайд этилган. Арқонга тирмашиб чиқишда спортчи 1,35 км./соат тезликда ҳаракатланган. Ушбу спорт тури 1900 — 1920 йиллар оралиғида Олимпиада спорт турлари таркибида бўлган.

***Футбол бўйича 1976 йилда бўлиб ўтган Европа чемпионатининг финал учрашуви машҳур футболчи Франц Бэккенбауэрнинг терма жамоасидаги 100-юбилей ўйини бўлган. Бу камдан-кам «чарм тўп» устасига насиб этадиган бахтдир.***



1896 йилги Олимпиада ўйинларида гимнастика таркибига узунликка сакраш, лангарчўпда сакраш, арқонга тортилиш, ядро улоқтириш каби спорт турлари киритилган.

*Шахматдаги "гамбит" атамаси итальян тилидаги "dare il gambetto" атамасидан олинган бўлиб, "чалиб йиқитиш" маъносини беради.*

*Хоккейда дарвозабонлар орасида биринчи марта японийлик Танаки Хоимо 1936 йилда Берлинда мусобақага ҳимоя ниқобини тақиб тушган.*



**Миллий хоккей лигасида энг тез гол учрашувнинг учинчи сониясида киритилган.**

*1963 йилда англиялик теннисчи Майкл Сангстер томонидан ўйинга киритилган тўп соатига 248 км. тезликда ҳаракатланган. Бу бугунги кунда ҳам энг катта кўрсаткичлардан биридир.*

Олимпиада чемпионлиги умрбод сақланиб қолинадиган мақомдир. Жаҳон чемпионлиги эса кейинги дунё биринчилигига қадар сақланиб қолади.

**М. САИДОВ тайёрлади.**

**Дунё олимлари узоқ изланишлардан сўнг инсон саломатлигини мустаҳкамлашда қайси спорт тури билан шуғулланиш муҳим эканлиги тўғрисидаги янги хулосани эълон қилдилар.**

## Юринг, умрингиз узаяди

Улар бошқа спорт турларини инкор этмаган ҳолда, инсон саломатлиги учун энг фойдалиси пиёда сайр қилиш (ёки спортча юриш) эканлигини айтишмоқда. Америкада чоп этиладиган "Mayo Clinic Proceedings" тиббиёт журнали муҳаррири Жеймс Левиннинг фикрига кўра, яёв юриш, ёшидан қатъи назар, барча кишилар учун бирдек фойдали.

— Эндиликда пул сарфлаб, турли фитнес клубларга боришингиз шарт эмас. Телевизорни ўчиринг-да, тоза ҳавога сайр қилишга чиқинг,— дейди Ж. Левин.

Олимларнинг аниқлашларича, айниқса, бир жойда узоқ ўтириб ишловчи кишилар организмида холестерин моддаси одатдагидан кўпроқ ишлаб чиқариларкан. Ўз-ўзидан маълумки, бундай ҳолат оёқ, қўл ва юрак мушаклари, умуртқа поғонаси фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Илмий изланишлар натижасида шу нарса ойдинлашдики, тоза ҳавода сайр қилиш қон босими, қон томирлари ва бўғимларнинг меъёрида фаолият кўрсатишига, шунингдек, инсон руҳий ҳолатига ижобий таъсир қилади. Кўриниб турибдики, белгиланган режа бўйича, вақти-вақти билан пиёда сайр қилиб турсангиз, соғлиғингизни шунчалик кўп асраган бўлар экансиз.

Япон олимлари ҳам юқоридаги фикрни маъқулладилар. Улар ўтказган тажрибага кўра, доимий равишда пиёда сайр қилишни одат қилган кекса ёшдаги кишиларда қон босими билан боғлиқ муаммолар умуман учрамас экан.

**З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

## Яшил майдон юлдузлари



**Айтишларича, Бразилиядан етишиб чиққан "чарм тўп" усталари Амазонка соҳилларидаги қумлардек саноқсиз экан. Бу, албатта, муболаға. Лекин ушбу спорт туридан озгина хабари борлар бразилиялик футболчилар дунё бўйлаб худди зарралардек сочилиб кетишини яхши билишади. Яна шундай қиёс ҳам бор: яхши футболчи — асл марварид. Балки шунинг учун ҳам айримлар Бразилияни "Марваридлар ўлкаси" деб аташар. Уларнинг қаторида Ривалдо ҳам бор. Унинг фикрича, машҳур футболчи бўлиш учун туғма истеъдоднинг ўзи кифоя эмас, бу йўлда эътибор, шароит ва, албатта, тинимсиз меҳнат муҳим аҳамиятга эгадир.**



# Олтмишга бўлинган «Олтин тўп»

Ривалдони бемалол жаҳонгашта деса бўлади. Фаолият юритган давлатлари орасида Испания, Италия, Греция ва Ўзбекистон бор. Клублари ҳам шунга яраша — "Палмейрас", "Депортиво", "Барселона", "Милан", "Крузейро", "Олимпиакос", "Бунёдкор".

2004 йили ФИФА мукофотлари тақдимотида Пеле томонидан дунёнинг энг яхши 125 нафар футболчиси қаторида тилга олинган Ривалдо бу даражага етишиш учун нене кунларни бошидан кечирмади.

Болалигида футбол борасида унда ҳеч қандай истеъдод йўқлигини кўп эшитганди. "Маймоқ ўрдакча" дейишларига деярли ўрганиб кетганди. Шунга қарамай, акалари Рикардо, Риналдолардан фарқли равишда жисмонан анча нимжон, касалманд Ривалдода футболга бўлган қизиқиш жуда кучли эди. Қаерга бормасин, отаси олиб берган тўп энг яқин овунчоғи эди.

"Эсимда, ўн ёшга тўлганимда, отам оиламиз билан мухлислик қиладиган "Санта Крус" клуби футболкаси ва бутси совға қилганди. Ўша пайтлари у киши менга ишонч билдириб, "Сендан буюк футболчи чиқади" дер эди. Аслида, маҳалладаги ҳамма болалар мендан яхши ўйнашарди", дейди унинг ўзи орадан бир неча йиллар ўтиб. Ўн етти ёшга чиққанида ҳаёт уни синовларга дучор этди. Аввалига ўзи бориб юрган штат клуби ўсмирлар терма жамоасига киритишмагани ҳақида эшитди. Шу куни отаси бахтсиз ҳодиса қурбонига айланди.

Тақдирнинг кетма-кет зарбаларига ўсмирнинг ёлғиз ўзи дош бериши қийин эди. Шунинг учун футболни тарк этишга чоғланди. Шунда унга онаси далда берди, қўллаб-қувватлади: "Отангнинг армонларини рўёбга чиқаришинг керак", деди. Шу сабаб ўзи истиқомат қиладиган Хардим Паулист қишлоғи шарафини ҳимоя қиладиган кучсиз жамоа — "Баиа" сафига олишларини сўраб борди. Буни қарангки, у ерда ўйнаб юрган пайтида, тўғрироғи, ўн тўққиз ёшга кирганида, иккинчи дивизион вакили "Санта Крус"дан таклиф тушди. Янги клубда ҳам кўпчилик кутган ўйинни намойиш эта олмади. "Ҳар доимгидек, бу ерда ҳам болалар мендан яхши тўп сурарди", деган эди у кейинчалик.

Шунинг учун ҳам уни қандайдир "Можи Мирим" деган жамоага деярли текинга бериб юборишди. Ҳақиқий бурилиш даври айни шу ердан бошланган, десак муболаға бўлмайди. Аввалига бесўнақай, найнов ўйинчини гимнастика залига жўнатишди. "Мушакларингни ривожлантиришинг керак", дейишди. У эса машқларга зўр бериб, ўзини чиниқтиришга астойдил киришди. Бу йўлда яқиндагина ортда қолган боликнинг қувончли ва аччиқ хотиралари, отасининг сўнгги сўзлари, ишончи, она дуосидан мадад олди. Тинимсиз меҳнат ўз самарасини бера бошлади. Ўйинининг жозибаси ошди, кетма-кет голлар ура бошлади. Қисқа вақт ичида етакчи клублар назарига тушди. Улардан бири "Коринтианс" Ривалдони 250 минг АҚШ доллари эвазига ижарага олди. Шундай қилиб, у истеъдоди сайқал топган, кучли ва фойдали ўйинчига айланди.

Ижара муддати тугаши билан Риво учун кураш бошланди. Узоқ тортишувлардан кейин "Палмейрас" истеъдод эгасини 2,4 млн. доллар эвазига қўлга киритди.

Борган сари омади юришаётган ўйинчи 1994 — 96 йиллар давомидаги 104 ўйинда 53 та гол муаллифига айланди. Бу эса жамоасининг муваффақиятларига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Бразилиянинг энг яхши ўйинчиси деб топилди. Шундан сўнг европалик "совчилар" сони кўпая бошлади. Ривалдонинг ўзи ҳам Роналдо, Ромарио, Бебето каби кўҳна қитъада тўп суришни орзу қиларди. Бунга қайсидир маънода Атланта Олимпиадасидаги омадсизлик "ёрдам" бериб юборди. Бу эса Ривалдонинг Европага кетишини тезлаштирди.

Бебетонинг таклифи билан 24 ёшида "Депортиво" вариантини танлади. Испания чемпионатида бир мавсумнинг ўзида 41 та ўйинда иштирок этиб, рақиблар дарвозасини 21 марта аниқ нишонга олди. Келгуси йилдаёқ 16,5 млн. фунт стерлинг эвазига "Барселона" таркибига бориб қўшилди.

Каталонияда ҳам тезда ўзини кўрсатди. Ўша пайтда Луи ван Гал мураббийлик қиладиган клуб таркибида мамлакат чемпиони бўлди. Мавсум давомида 24 та гол уриб, мухлислар ишончини қозонди. Орадан кўп вақт ўтмай, ФИФА томонидан йилнинг энг яхши ўйинчисига топшириладиган "Олтин тўп"га лойиқ деб топилди. Қизиқ жиҳати шундаки, бошқалардан фарқли ўлароқ, у мукофотни бир заргарга 60 бўлакка ажратиб беришни сўрайди. Ҳар бир парчага эса жамоадошлари, мураббийси, клуб шифокорлари, косиби, ҳатто кийиниш хонасидаги фаррошнинг исми-шарифи ёзилган кумуш ёрлиқларни ёпиштириб чиқди. Ҳар бир бўлакни эгаларига тарқатди. Унинг фикрича, "Олтин тўп"ни қўлга киритишида жамоадагиларнинг бирдек ҳиссалари бор эди. Кейин ўз сармояси ҳисобидан ватанида футбол мактаби очиб, у ерда моддий жиҳатдан қийналиб қолганларни ўқитишни йўлга қўйди.

2002 йилгача "Барса" таркибида 157 та ўйинда 86 та гол муаллифига айланди. Ҳабарингиз бор, шу йили Япония ва Жанубий Корея майдонларида жаҳон чемпионати ташкил этилганди. Ўшанда Туркия — Бразилия ўйинида Ривалдо иштирокида амалга оширилган "актёрлик"ни ҳали ҳам кўпчилик яхши эслаcа керак. Турк ҳимоячиси Ҳоқон Унсал зарб билан тепган тўп тиззасига теккан Ривалдо нима учундир юзини чангаллаб, яшил майдонга қулаганди. Шу пайтгача ҳалолликни ўзига шиор этган футболчи бундай ярашмайдиган қилиқ учун жарима ҳам тўлаганди. Шундан сўнг унинг ишлари орқага кета бошлади. Испанияни тарк этиб, "Милан" таркибига қўшилди. У ерда захира ўйинчисига айланди. Терма жамоа либосида 74 марта майдонга тушиб, 34 та гол урган Риво "сариқ девлар" сафидаги ўрнини ҳам йўқотди.



Апеннииндан Бразилияга қайтиб, "Крузейро" таркибига қўшилди. У ерда ҳам омади юришмади. Кўп ўтмай, Грециянинг "Олимпиакос" клуби таклифига рози бўлди. Юнонлар юртида у иккинчи ёшлигини бошлади, дейиш мумкин. У ерда 2005 — 2006 йилги мавсумда 46 та ўйинда 26 марта рақиб дарвозасини ишғол қилди.

**Дунёнинг энг кучли футболчилари орасида тилга олинадиган қаҳрамонимиз мамлакатимизда ҳам тўп сурганидан хабарингиз бор. Тўғрироғи, футбол афсонаси, жаҳон чемпиони пойтахтимизнинг "Бунёдкор" клуби шарафини ҳимоя қилди. Унинг ажойиб ўйинлари ёш ва умидли футболчилар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтаб берди.**

**Санджон МАХСУМОВ тайёрлади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 41789 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Қ. Ҳидиров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 22.50 1 2 4 5